Музаффар Наимов

# Сурхондарё
## ижодкорлари

I ҚИСМ

Музаффар Наимов

# Сурхондарё ижодкорлари



## I ҚИСМ

«Yangi asr avlodi»
Тошкент
2010

Ушбу услубий қўлланма Сурхондарё ижодкорларининг ҳаёти, ижоди ва улар томонидан яратилган куй-қўшиқлардан иборатдир. Тўплам мусиқа санъати билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, ундан бадиий жамоалар, хонандалар, олий ва ўрта махсус ўқув-юртлари, мусиқа мактаблари, ўрта мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:**
Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**
Клара МАРДАЕВА,
Термиз Давлат университети мусиқа таълими кафедраси мудири

Дилмурод САТТОРОВ,
Термиз Давлат университети мусиқа таълими кафедраси ўқитувчиси

Шавкат ПАРДАЕВ,
Термиз санъат коллежи ўқитувчиси

***Ушбу тўплам Термиз Давлат университети илмий кенгаши томонидан 2009 йил 24 декабрда (2-сонли Баённома) нашрга тавсия этилган.***

ISBN 978-9943-08-597-8
© Музаффар Наимов, «Сурхондарё ижодкорлари». «Янги аср авлоди», 2010 йил.

## ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ

Халқимиз жаҳон халқлари орасида ўзининг бетакрор моддий ва маънавий, маданий бойликлари билан ўз ўрнига эга. Шунинг учун ҳам биз Истиқлол йилларида дунё тамаддунининг ўз мероси билан бойитган халқимиз яратган буюк моддий ва маънавий обидаларнинг юбилей-тўйларини нишонлаб улгура олмаяпмиз. Оққан дарё оқаверади, халқимиз эса жўшқин оқаётган дарё. Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қишлоғининг, туманининг, вилоятининг ўзига хос қиёфаси, урф-удумлари, куй-қўшиқлари, ҳунармандчилиги ва санъати бор. Булар ўзаро бир-бирини бойитиб, миллий бир бутунликни ташкил этади. Ватанимизнинг бетакрор гўшаларидан бири бўлган Сурхондарё вилояти ўзининг халқ ижодкорлиги билан бугун дунё назарида турибди десак, муболаға бўлмайди. Воҳа халқ ижодкорларини ўзимизнинг олимларимиз ҳам, хорижий қизиқувчилар ҳам катта иштиёқ билан тадқиқ этишга уринишмоқда. Сурхондарёлик илмий тадқиқодчи Музаффар Наимовнинг “Сурхондарё ижодкорлари” тўплами бу борадаги хайрли ишлардан биридир. Илмий тадқиқодчи бу мўъжазгина тўпламида ўтган асрнинг иккинчи ярмида ва истиқлол йилларида воҳа маданий мусиқий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган ёшларнинг маънавий камолотида ибрат бўлган бир гуруҳ ижодкор санъаткорлар яратган куй-қўшиқларидан намуналар берган. Тадқиқодчининг бу савоб иши ҳаётдан ўтиб кетган, марҳум устозларнинг руҳини шод қилса, замондош ижодкорларни рағбатлантириши билан қадрли. Шунингдек, бу қутлуғ қадам Сурхондарёда Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг бўлими очилишига туртки бўлса не ажаб. Биз тадқиқодчи дўстимизга она-юрт оҳангларини тинглашдан, тўплашдан чарчаманг деймиз.

*Дунё кезар она диёр оҳанглари,*
*Юртни безар она диёр оҳанглари,*
*Боботоғинг баҳоридай камалак ранг.*
*Минг қатим зар она диёр оҳанглари.*

***Шафоат Раҳматулло Термизий,***
***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,***
***“Эл-юрт ҳурмати”ордени соҳиби.***



# *Абдулазиз ИМОМОВ*

*(1939–1992)*

Абдулазиз Имомов 1939 йилнинг 24 декабрида Сурхондарё вилояти, Термиз тумани, “Пайғамбаророл”идаги «Каптархона» қишлоғида таваллуд топган. У машҳур ҳофиз, Хоразм қўшиқчилигининг йирик вакили Комилжон Отаниёзовни устозим, деб фахрланиб айтганларини кўп бора эшитганмиз. У устози билан Тошкент Давлат Консерваториясида таҳсил олаётган даврларида танишган. Азиз аканинг соз чертишини, овозини, қобилиятини кўрган устоз уни ўзи раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги «Лазги» ашула ва рақс ансамблига таклиф қилади. У ансамблда дастлаб созанда сифатида гижжак чалади. кейинчалик мусиқа раҳбари бўлади. Устоз ва шогирд кўп йиллар ансамблда ишлаб, қатор қўшиқларни ҳамкорликда яратишди. «Кел ғарибим», «Санамжон», «Найлар» қўшиқлари шулар жумласидандир.

Абдулазиз Имомовни, нафақат вилоятимизда, балки республикамизнинг барча вилоятларида, ҳатто қўшни Туркманистон, Тожикистон Республикаларидаги қўшиқ шинавандалари ҳам яхши билишади.

Таниқли хонандалар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Каримбой Раҳмонов, Сурхон воҳаси хонандалари Саидкарим Саидмаликов, Абдурайим Турсунов, марҳум Дурди Қосимовлар Азиз оғани устоз сифатида мамнуният ила эслашади.

Абдулазиз Имомов яратган «Ярим гелсин», «Гузел сен», «Даглар», «Айби йўқ», «Сунам», «Елпессе», «Бари гел», «Фароғат», «Хуморларинг», «Термизим кизлари», «Лебабим», «Баробар», «Сенга небулди», «Рад этма», «Елғон экан» каби қўшиқлари бугунги кунда ҳам хонандалар томонидан севиб ижро этилмоқда.

## ЯРИМ ГЕЛСИН

Дагдан ашип даша душен,
Юрек багри гўз яша душен.
Эзизинден айра душен,
Шул дерде дерманим гелсин.

Нақорат:
Гелсин гелсин ярим гелсин,
Алма билен нарим гелсин.

Инди гирсенг ушбу бага.
Гўзум душсе алма нара,
Гўйма мени ахи зара,
Аҳ билен армоним гелсин.

Нақорат:
Гелсин гелсин ярим гелсин,
Алма билен нарим гелсин.
Бир бириндеи аран ачан,
Чар зулминден чўле гачан,
Сув ўрнина гел захар ичен,
Шўл дерде дерманим гелсин.

Нақорат:
Гелсин гелсин ярим гелсин,
Алма билен нарим гелсин.

Эзиз жанинг тўкенмез дуврани гелсин.
Дўстлариминг тўкенмез дуврани гелсин,
Ватаниминг тўкенмез дуврани гелсин.

# ЯРИМ ГЕЛСИН

Тез

А.Имомов сўзи ва мусикаси




я-рим гел- син ал-ма би-лен о - на-рим гел- син. Гел-син гел-син
я-рим гел- син ал-ма би ле но - на-рим гел- син. ал-ма би- лен эй
на-рим гел- син. Бир би-рин- ден а- ран а-чан. Чар-зул- мин- ден -
чў-ле га- чан. Сув ўр-ни-на гел за-хер и - чен шўл дер-де дер -
- ма-ним гел- син. Гел- син,гел-син я-рим гел- син ал-ма би-лен о -
-на-рим гел- син. Гел- син,гел-син я-рим гел-син ал- ма_би-лен о -
-на-рим гел - син. Э- зиз жа-нинг тў-кен-мез дув-ра-ни гел - син.
Дўс - ла - ри - минг тў - кен-мез дув - ра - ни гел - син.
Ва - та - ни - мйнг тў - кен - мез дув - ра - ни гел - син.

## *Сангали ПИРОВ*

***(1937–1991)***



Сангали Алиевич Пиров 1937 йилнинг 21 мартида Тожикистон жумҳурияти Оржоникидзе районида таваллуд топган. Дастлабки мусиқий сабоқни мусиқа мактабида олди. 1952 йил Ленинободдаги мусиқа билим юртига ўқишга кириб, 1957 йилда ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимининг «чанг» синфи бўйича ўқишни битирди.

Шу йили Тожикистон жумҳурияти Маданият вазирлиги қарорига биноан Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрига ишга юборилди. У ўн йилдан ошиқ шу театрда ижод қилиб, ўз истеъдодини халққа намоён этиб келди.

1977–1982 йиллари Тожикистон Санъат институтининг «чанг» мутахассислиги бўйича ўқишни тугатди. Сангали Алиевич Пиров 1965 йилдан умрининг охиригача Термиз Давлат мусиқа билим юртида «чанг» синфи ўқитувчиси сифатида ишлади. Педагогик фаолият билан биргаликда куй, қўшиқ яратишга ҳам имконият топа олди. Устознинг бир неча куй-қўшиқлари Ўзбекистон Композиторлари уюшмаси томонидан тасдиқланиб, унга муаллифлик ҳуқуқи берилган. Устоздан сабоқ олиб, ҳозирда вилоятимизнинг турли санъат гўшаларида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Маҳмудова, Б.Тўхтаев, А.Муҳаммадиев, А.Эгамов, А.Жўраев, Г.Жумаева, М.Мажидова, А.Наимова, З.Зоиров, Д.Сатторова, М.Шукурова, С.Алимова, О. Абдураҳмонова, С.Полвонова, К.Жовлиев, М.Сувонов, Г.Тухтаминов каби ўнлаб шогирдларини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Устоз ижодий фаолияти давомида йигирмадан ортиқ куйлар, вокал қўшиқлари, болалар учун асарлар яратди: «Таронаи Наврўз», «Гулшан», «Онажоним», «Ўзбекистонга боқ», «Булбулжон», «Бастакорлар», «Сурхондарёмсан ўзинг» каби қўшиқлари ҳозирда ҳам қўшиқсевар халқимиз томонидан эъзозлаб келинмоқда.

# МЕЛОДИЯ

3

**Andante** **С.А.Пиров мусикаси**




1.
2.
p
rit.
pp

# *Шафоат ТЕРМИЗИЙ*



Шафоат Раҳматулло Термизий (Шафоат Раҳматуллаев) 1942 йилнинг 10 майида Шеробод туманининг Оққўрғон қишлоғида туғилган.

У 1959 йил ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат Консерваториясига ўқишга киради. 1965 йил шу олий ўқув юртини тамомлаб, 1966 йилгача Самарқанд опера ва балет театрида ишлади. 1967 йил ҳарбий хизматда бўлди.

1968 йилдан то ҳозиргача Термиз Давлат университетида мусиқадан сабоқ бериб келмоқда. 1968 йилдан буён шеърлари вақтли матбуотда ва альманахларда мунтазам равишда босилиб келмоқда. У бир қанча шеърий тўпламлар ва мусиқий рисолалар муаллифидир. Булар «Жануб шамоли» (1981), «Умид остонаси» (1988), «Гулоб» (1992), «Мусиқа алифбоси» (1992), «Бошланғич мусиқа таълими» (2003) кабилардир. У 1981 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, 1995 йилдан Термиз Давлат университети доценти. Унинг 20 дан ортиқ шеърлари воҳа санъаткорлари томонидан қўшиқ қилиб айтилади. Шафоат Раҳматулло Термизий ўзи ҳам мусиқалар басталаб туради. Унинг «Истиқлол бонги» қўшиғи 1993 йил Ўзбекистон Композиторлари ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлган. У 1993 йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятида ўтаётган умумхалқ, Мустақиллик, "Наврўз" байрамлари сценарийсини ёзиб келмоқда. «Алпомиш» достони 1000 йиллигига бағишланган Халқаро байрам сценарийсини шоир Усмон Азим билан, ҳамда «Термизнинг 2500 йиллиги» байрами сценарийсини Абдулла Орипов билан биргаликда ёзган.

Унинг 2003 йилда «Озод сўз» сайланмаси нашр қилинди. Шоирнинг «Оҳу», «Муз тобут», «Лаъли», «Икки қўшиқ», «Аросат одам», «Лаънатланган тош», «Мариям», «Профессор ҳақида сўз», «Хуфия», «Бахшилар достони», «Шоҳ ва шоир» каби достон ва драматик достонлари эл орасида машҳур. У 1999 йилдан бери Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлимини ҳам бошқармоқда. Ижоди юксак қадрланган шоир 1998 йил «Шуҳрат» медали ва 2003 йилда «Элюрт ҳурмати» ордени билан тақдирланган.

Ш.Раҳматуллаевнинг «Шоҳ ва шоир» шеърий драматик асари 2005 йилда Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида саҳналаштирилди. 2008 йилда шоирнинг «Кўринмай гулладим» тўртликлар тўплами ҳамда «Шоҳ ва шоир» драматик достони нашр қилинди.

Шунингдек, шоирнинг шеърлари «Бош қомус» нашриётидан чиққан «XX аср ўзбек шеърияти антологияси» қомусий тўпламга киритилган.

## ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон – она Ватан умрлар баҳори сен,
Ўзбекистон бобо тарих йўлларининг бари сен.
Ўзбекистон номинг жангда оталарга онт бўлган.
Ўзбекистон она сўзинг фарзандларга панд бўлган.

Нақорат:
Минг йилларким ўзбекона пок тутгансан шонингни,
Минг асрлар юртим яна шараф чулғар номингни.
Ўзбекона ҳақиқат бу, ўзбекона қасамёд,
Ўзбекистон бўлажаксан, Ўзбекистон тоабад.

Ўзбекистон ота мерос жаннат пайдо тупроқсан,
Ўзбекистон Ватан, иймон ва баридан кўпроқсан.
Ўзбекистон сен толесан, халқ қувончи, ҳам ғами,
Ўзбекистон сен ўзингсан қисматимиз ҳаками.

Нақорат:

# ЎЗБЕКИСТОН

**Марш**
**Тантанали**

5

**Шафоат Рахматулло Термизий**
**сўзи ва мусикаси**



## *Амрулло НАРЗУЛЛАЕВ*



Амрулло Норович Нарзуллаев 1951 йилнинг 19 сентябрида Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, Деҳқаландар қишлоғида зиёли оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни битиргач, 1968 йили Тошкент Маданий-оқартув техникумининг мусиқа бўлимига ғижжак мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинди.

1971 йилда ўқишни битиргач, меҳнат фаолиятини Сариосиё тумани маданият уйида бошлади. Дастлаб бадиий раҳбар, кейинчалик директор лавозимида ишлади.

1975 йилдан ҳозирга қадар Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида яккахон хонанда сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У Ўзбекистонимизнинг ҳамма вилоятларида, қўшни Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон Республикаларида ҳам ўз мухлисларига эга санъаткордир.

Хушовоз хонанда А.Нарзуллаев вилоятимизда ўтказилиб келинаётган «Мустақиллик», «Наврўз» ва бошқа байрам дастурларида фаол иштирок этиб келмоқда.

1991 йили Амрулло Нарзуллаев кўп йиллик ижодий фаолияти ва ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонига лойиқ деб топилди.

У хонандалик билан бир қаторда, бастакор сифатида ҳам қўшиқлар яратиб келмоқда. Унинг Э.Воҳидовнинг «Самар бўлгай», «Гуллар базми», «Севги сири», А.Ориповнинг «Ўзбекистоним сенга», «Армон эмасми», «Ватан», «Нома», «Ирода», «Юртим шамоли», Н.Нарзуллаевнинг «Керакдир», «Сурхондарё гўзали», «Элим бўл омон», У.Азимнинг «Осмонда юлдузлар чиройли», «Сен йиғламагин», «Кўнгил», Ш.Раҳматуллаевнинг «Юр дилбарим», «Сурхондарёмсан ўзинг», «Она фарёди», «Аёл», «Онажоним», «Ватан», «Имом Термизийга муножот», Б.Ёриевнинг «Ҳайрон этган ёр», «Қизларгул», Ҳ.Муҳаммаднинг «Орзу бўлиб ўтдинг», Т.Содиқовнинг «Севганингиз ёлғон экан», Ш.Пардаевнинг "Ватан», «Армон», «Наврўз бизга наво олиб кел», Х.Саидовнинг «Отангни қадрини билгил», «Кел, эй дилдор», «Кексани ҳурмат қилинг» шеърлари асосида яратилган қўшиқлари хонандаларимиз томонидан куйланиб келинмоқда.

### ВАТАН

Дастур қилса оталар Амир Темур тузугин,
Тақса оқил оналар Тўмариснинг узугин,
Алломалар ҳақ сўз-ла бутласа юрт бузуғин.
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда.
Ўзбекистон бўлажак худо хушлаган Ватан.
Ватанки туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Бутун жаҳон аҳлининг ал-жабири биз бўлсак,
Исломий илмларнинг ҳам кабири биз бўлсак,
Жами ўтган шоҳларнинг тўртдан бири биз
бўлсак.
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда,
Ўзбекистон бўлажак худо хушлаган Ватан.
Ватанки туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

Оталар меросига берсак яна сайқаллар,
Жаҳоний ҳосил берса ўзбек фани пайкаллар,
Тош эмас, иш, ижоддан қўйсак юртга ҳайкаллар.
Ёвқур боболар руҳи бўрон бўлса юракда,
Истиқлолу истиқбол Турон бўлса юракда,
Ўзбекистон бўлажак худо хушлаган Ватан.
Ватанки туғ, Туғросин хумо ушлаган Ватан.

# ВАТАН

Амрулла Нарзуллаев мусиқаси

Шафоат Раҳматулло Термизий шеъри

**Allegro**




бў-рон бўл са ю-рак-да, Ис-тик ло-лу ис-тик бол Ту-рон бўл са ю-рак-да.
Ўз-бе-кис-тон бў-ла-жак Ху-до хуш-ла-ган Ва-тан.
Ва-тан-ки Туғ, Туғ-ро-син ху-мо уш-ла ган Ва-тан
О-та-лар ме-ро-си-га
бер-сак я-на сай-кал-лар, Жа-хо-ний хо-сил бер-са уз-бек фа-ни пай-кол-лар.
Тош з-мас иш, и-жод-дан куй-сак юрт-га хай-кал-лар. Ён-кур бо-бо-лар ру-хи
бў-рон бўл-са ю-рак-да, Ис-тик-ло-лу ис-тик бол Ту-рон бўл са ю-рак-да
Ўз-бе-кис-тон бў-ла-жак Ху-до хуш-ла-ган Ва-тан. Ва-тан-ки Туғ, Туғ-ро-син
ху-мо уш-ла-ган Ва-тан, Ўз-бе-кис-тон бў-ла-жак
Ху-до хуш-ла-ган Ва-тан



## *Хайрулло* НАСРИДДИНОВ

Хайрулло Насриддинов 1949 йилнинг 1 ноябр куни Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топди. У ўрта мактабни битиргач, 1967 йили Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлайди.

1972–1976 йиллари Хайрулло Насриддинов Тожикистон Давлат Санъат олийгоҳининг драма ва кино актёри бўлимида таҳсил олади. 1976–1977 йилларда эса Лоҳутий номидаги Тожикистон Давлат академик драма театрида актёр бўлиб ишлайди.

1977–1982 йилларда Бойсун туман маданият уйида режиссёр, услубчи, директор сифатида фаолият кўрсатади. 1979 йилда «Биз Сурхондарёданмиз», 1980 йилда «Ўзбекистон куйлагай» Республика телефестивалларида ғолиб бўлган. 1982–1987 йилларда «Наргис» (фольклор) ва «Беҳруз» (эстрада) дасталари ташкилотчиси ва бадиий раҳбари бўлиб ишлаган.

1985 йилда Ғалабанинг 40 йиллиги, 1988 йилда «Бутуниттифоқ қуролли кучлари ташкил топганлигининг 70 йиллиги» медаллари билан тақдирланган. 1987–1991 йилларда Бойсун туманидаги «Ситора», «Шалола», «Бойсун» фольклор дасталарида бадиий раҳбар бўлиб ишлайди. 1990 йилда Буюк Британия давлатида ўтказилган «Жаҳон фольклор фестивали» иштирокчиси бўлган.

1989 йилда Бутуниттифоқ ёшлар қўмитасининг «Аъло меҳнат учун» медали, 1994 йил «Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланган.

1995 йилда Сурхондарё вилоят касаба уюшмасининг «Адиб Собир Термизий» мукофоти совриндори, 1996–1997 йиллари «Широ-шакар» фольклор дастаси билан «Ўзбекистон – Ватаним маним» кўрик танловининг туман, вилоят, республика давраси ғолиби ва совриндори бўлган.

2002 йилдан ҳозирга қадар Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида олий тоифали хонанда ва актёр сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У 2003 йилда мамлакатимиз театрлари орасида «Йил актёри» номинацияси совриндори бўлган 2004 йилда «Наврўз 2004» Тожикистон Давлат «Галаконцертида» ижро этиб, Тожикистон Президентининг махсус соврини билан, 2006 йили «Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган.

Хайрулло Насриддинов кўп йиллик ижрочилик маҳорати учун Тожикистон ҳукуматининг «Тожикистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлган.

Унинг ўттиздан ортиқ қўшиқлари Ўзбекистон ва Тожикистон радио ва телевидениесининг олтин фондига ёзиб олинган, ўнлаб спектаклларга ёзилган мусиқалари томошабинлар томонидан қизғин олқишланмоқда. Унинг ўзбек ва тожик тилларида яратилган қирққа яқин қўшиқлари хонандалар томонидан севиб ижро этилмоқда. Хусусан, А.Навоийнинг «Кўрмадум», «Хайф», «Қилди ёр», Х.Шерозийнинг «Турк жонони», «Ҳофиз ҳасрати», «Не бўлди», Л.Шералининг «Дил бошқаю мен бошқа», «Орзу», И.Кенжаевнинг «Ифтихор», «Отам», «Йиғлайман», «Тожикон», Ж.Муҳаммадзоданинг «Нидо», «Хуш келдингиз», «Бағишлов», Шоҳиднинг «Меборанд», «Бирафт», «Тафсир», Х.Чоршанбиевнинг «Бойсунга кел», «Бойсун орим-борим», «Термизим», Ш.Раҳматуллаевнинг «Гўзал», «Ғазал», Х.Жалилнинг «Ҳисор тизма тоғлари», «Ҳавас» каби қўшиқлари шулар жумласидандир.

# ТЕРМИЗИМ

Х.Насриддинов мусикаси

Х.Чоршанбиев шеъри

**Вальс темпида**




да кучкув ват бер - ган, На-во - ий бо бом - нинг ка-да -
ди кай-та тик-ла - ган.
ми тек-кан, Те-му-рий-лар мех-ри туш-ган Тер-миз
сан Те-му-рий-лар мех-ри туш-ган Тер- миз
сан. Ик-ки я - рим минг йил бу-гун - ги ё - шинг.
таб-ри-гин-га кел - ди гам-хўр Юрт бо - шинг.
Ис-тик-лол-дан кай-та пор-лар ку-ё - шинг, му-но -
сиб сар-бон ли кал-кон Тер-миз - сан му-но -
сиб сар- бон ли кал-кон Тер-миз - сан. Жай-хун
со-хи - ли-да ко-шо - нам ў - зинг, ка-дим -
лар и-чин - да дур-до - нам ў - зинг. Ка-мол топ-
ди И-со - ю Со-бир, Са- ман - дар, Ил-му ир-фон




### ТЕРМИЗИМ

Тарамастха бўлиб дунёга келган,
Тармита, Тармидсан Бохтарзаминда.
Тармиз, Термиз бўлиб вояга етган,
Ат-Термизий бобом юрти Термизсан.

Темурга жангтоҳда куч-қувват берган,
Мироншоҳ фарзанди қайта тиклаган.
Навоий бобомнинг қадами теккан,
Темурийлар меҳри тушган Термизсан.

Икки ярим минг йил бугунги ёшинг,
Табригингта келди ғамхўр Юртбошинг.
Истиқлолдан қайта порлар қуёшинг,
Муносиб сарбонли қалқон Термизсан.

Жайхун соҳилида кошонам ўзинг,
Қадимлар ичинда дурдонам ўзинг.
Камол топди Исою Собир, Самандар,
Илму ирфон хадисга майдон Термизсан.



## *Ҳалим ШАМСУТДИНОВ*

Ҳалимжон Исматович Шамсутдинов 1935 йил 7 сентябрда Бухорода туғилган. 1954 йил Охунбобоев номли ўрта мактабни тугатди. 1958 йили Бухоро Давлат мусиқа билим юртининг хор-дирижёрлиги бўлимини муваффақиятли тугатиб, шу йили Тошкент Давлат Консерваториясининг хор-дирижёрлиги бўлимига ўқишга кирди. Ушбу олийгоҳни 1969 йилда тугаллайди.

Ҳалим Шамсутдинов 1963 йилдан бери Термиз Давлат мусиқа билим юртида ишлаб келмоқда. Устоздан таълим олиб ҳозирда вилоят, республика ўқув даргоҳларида меҳнат қилаётган шогирдлари З.Миркаримова, Л.Шотронова, А.Шамсутдинова, М.Наимов шулар жумласидандир.

1972–1983 йилларда ўтказилган «Марҳабо талантлар», «Чашма» телевизион кўрик-танловларда устоз тайёрлаган хор жамоаси юқори ўринларга сазовор бўлган. Ҳозирги кунда Ҳ.Шамсутдинов Термиз Санъат коллежининг «Академик ашула ва хор-дирижёрлиги» кафедрасини бошқариш билан биргаликда, бастакорлик соҳасида ҳам анча-мунча асарлар ёзишга улгурди.

«Юртим, сени куйлайман» Н.Сафаров шеъри, «Жаннатмакон она элим» Н.Нарзуллаев шеъри, «Ўзбекистон-Ватаним маним» Ж.Жабборов шеъри, «Термизим» Д.Барот шеъри, «Она юртим» Х.Тўраев шеъри, «Писаржон» Ҳазратқули шеъри, «Онадир» С.Келдиев шеъри, «Отажон», «Термиз оқшоми», «Дадажоним келдилар» Б.Содиқов шеъри, «Ўқувчилик йилларим» С.Барноев шеъри, «Шу Ватан меники», «Сизни ахтардим» Р.Хўжаев шеъри, «Келмадингиз» Ҳ.Худойбердиева шеъри, «Байрамингиз муборак», «Ўзбекистоним» Г.Матёқубова шеъри, «Қочма мендан» Ниходий сўзи, «Боғистон» Қамбар ота шеъри, «Биз ўзбек аскарлари» Т.Ниёз шеъри, «Тинчлик учун» ёшлар сюитаси каби ўнлаб хор, вокал ва романслар устоз ижодининг ёрқин намуналаридир.

### ҚАДИМ ТУРОН

Уч хумо қуш,
Парвози хуш.
Осмонимизда,
Маконимизда.

Нақорат:
Кенг Туркистон,
Менга макон.
Эл қадрдон,
Қадим Турон.

Самоси соф,
Чақнар офтоб.
Бағри кенгдир,
Дўсти тенгдир.

Нақорат:
Кенг Туркистон,
Менга макон.
Эл қадрдон,
Қадим Турон.

Айтай чиндан,
Бахтим сендан.
Сен доимо,
Бор бўл хумо.

Нақорат:
Кенг Туркистон,
Менга макон.
Эл қадрдон,
Қадим Турон.

# ҚАДИМТУРОН

П.Мўмин сўзи — Ҳалим Шамсутдинов мусиқаси








## Йўлдош ҲАЙДАРОВ

Йўлдош Ҳайдарович Ҳайдаров 1942 йилнинг 20 августида Сур хондарё вилояти Шеробод туманидаги Заробоғ қишлоғида кол хозчи оиласида туғилди. У ота-онасидан эрта айрилиб, Бойсунда ги меҳрибонлик уйида тарбияланади.

У 1959 йилда Термиз педагогика билим юртини тугатиб, Жарқ ўрғон туманидаги Сурхон совхозига қарашли 3-мактабда бошлан ғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайди. Шу йилларда педа гогик фаолият билан биргаликда, ҳаваскорлик тўгарагига ҳам раҳ барлик қилди.

1960 йилда Тошкент Давлат Консерваториясининг «Опера қўшиқчилиги» бўлимига ўқишга кириб, уни 1964 йил битирди. Ш йили Самарқанд опера ва балет театрида ишлади.

1965–1966 йиллари Й.Ҳайдаров ҳарбий хизматга чақирилди. 1967–1987 йиллари Р.Глиэр номл болалар мусиқа мактабида директор лавозимида ишлади. Унинг педагогик хизматлари муносис баҳоланиб, 1974 йилда «Халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

1993 йилдан ҳозирга қадар Термиз Санъат коллежининг «Академик ашула» бўлимида ўқитув чи бўлиб ишлайди. Й.Ҳайдаров педагогик фаолият билан биргаликда, ижод билан ҳам шуғулла нади. Унинг бир неча қўшиқлари вилоят рўзномаларида эълон қилинган. Шунингдек, «Куйлай ман» С.Обидов шеъри, «Арчажон» Б.Содиқов шеъри, «Ўзбекистон ўзинг ягона» Ш.Раҳматуллае шеъри, «Капалак» Қамбар ота шеъри, «Термизим» Д.Барот шеъри, «Ватан қошу кўзимиз» Б.Со диқов шеъри, «Бахшиёна» М.Қўчқоров шеъри каби қатор қўшиқлари ҳозирда ҳам севиб ижр этилади.

Унинг мактабгача таълим муассасалари ва мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган «Куйлай ман» номли қўшиқлар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

# СУМАЛАК

Қамбар ота сўзи — Й.Хайдаров мусиқаси




**СУМАЛАК**

Дошқозоннинг тагида
Олов гурлар рақс эт=иб,
Ковланади шарбати
Камалакдай акс этиб.

Қайнар-қайнар-қайнар сумалак.
Яйраб-яйраб-яйраб сумалак.

Сумалакжон унгандир
Оқ буғдойнинг унидан.
Шивир-шивир эзгулик
Тушмас асло тилидан.

Биқир-биқир-биқир сумалак.
Дикир-дикир-дикир сумалак.

Оналар-у бувилар
Меҳри қайнар қозонда.
Барча севган сумалак,
Олинг-олинг-олинг сумалак.

Емакларнинг ичинда
Лаззати зўр сумалак.
Дастурхонда эъзозли,
Лаззати зўр сумалак.

Биқир-биқир-биқир сумалак.
Дикир-дикир-дикир сумалак.

# ТАНДИРДА НОН ЁПАМИЗ

Э.Рахимов сўзи | Й.Ҳайдаров мусикаси

**Allegretto**




**ТАНДИРДА НОН ЁПАМИЗ**

"Тандирда нон ёпамиз"
Дейди боғча опамиз.
Соғлом бўлиб улғайсак,
Бахтимизни топамиз.

Нақорат:
Шўх, қувноқ дўмбоқчамиз,
"Табассум"дир боғчамиз.
Ватанимиз боғ бўлса,
Лоласимиз ўзимиз.

Ўша боғнинг боғбони,
Юртимизнинг сарбони.
"Кўп яшасин" дейдилар,
Ҳур йигит-қиз, ўғлони.

Нақорат:
Шўх, қувноқ дўмбоқчамиз,
"Табассум"дир боғчамиз.
Ватанимиз боғ бўлса,
Лоласимиз ўзимиз.

## *Абдурайим ТУРСУНОВ*



Абдурайим Рамазонович Турсунов 1955 йилнинг 15 сентябрида Термиз шаҳрида таваллуд топган. 1962–1972 йиллари ўрта мактабни битиргач, Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика университетининг мусиқа ва ашула факультетига қабул қилинади. 1977 йилда университетни тугатгач, иш фаолиятини Термиз педагогика билим юртида бошлайди.

У таниқли ва хушовоз хонанда сифатида ўз репертуари билан вилоят, республика танловларида фаол иштирок этди.

1981 йил вилоятда «Сурхон саховати» кўрик танловида яккахон хонанда сифатида иштирок этиб, олий ўринни эгаллайди.

У 1983 йил «Ўзбекистон куйлагай» Республика радиофестивали қатнашчиси, 1983 йилда «Куйланг, ёш хонандалар» республика телекўрсатуви иштирокчиси.

1985 йилда «Марҳабо талантлар» республика телефестивалида яккахон хонанда сифатида иштирок этади.

1990 йилдан ҳозирга қадар Термиз Давлат университети педагогика факультети мусиқа таълими кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият юритиб келмоқда.

1993 йилда Туркияда ўтказилган бутун жаҳон халқларининг «Фольклор этнографик фестивали»да яккахон хонанда сифатида қатнашган. Абдурайим Турсунов томонидан куйланиб келинган қўшиқлардан учтаси Республика радиоси олтин фондида, ўттиздан ортиғи вилоят радиоси фонотекасидан ёзиб олинган.

У ажойиб педагог, санъаткор, ўзбек халқ мумтоз қўшиқлари моҳир ижрочиси, эл назарига тушган хонанда.

Унинг 2000 йилда «Бадиий ҳаваскорлик ансамбли» номли ўқув қўлланмаси чоп этилган, ўндан зиёд мусиқа ҳақидаги илмий мақолалари эълон қилинган.

### БАҲОР КЕЛДИ

Сафар оти кенгликларга чувла дер,
Майин еллар кокилимдан ушла дер.
Қизғалдоқлар кел тиззамда ухла дер,
Мени йўқлаб яна баҳор келдиму?

Қиз кўзгуси бўлибди булоқ сувидек,
Най чақирар олис сойлар тубидан.
Айрон тутар янга заранг қувидан,
Мени йўқлаб яна баҳор келдиму?

Онажоним ош қилибди уфорли,
Кишнаяпти алп акамнинг тулпори.
Ол кийибди гўзал сурхон қизлари,
Мени йўқлаб яна баҳор келдиму?
Шафоатни йўқлаб баҳор келдиму?

# БАҲОР КЕЛДИ

Шафоат Раҳматуллаев Шеъри

Абдураим Турсунов мусиқаси




1.
ме-ни йўк-лаб яна ба-хор кел-ди - му?
2.
О-на-жо-ним ош ки-либ-ди ифор ли,
1.
киш-на-яп-ти алп а-кам-нинг тул- по - ри
2.
Ол ки -йиб-ди гў-зал сур-хон киз-ла-ри,
Ме-ни йўк -лаб я - на ба - хор кел - ди - му?
ме - ни йўклаб
Ша-фо - ат - ни
яна
йўклаб
ба-хор кел - ди - му?
ба-хор кел - ди - му?
ме-ни йўк-лаб яна
ба-хор кел- ди - му?
dim.



*Муҳаммади*

# ШАМСИДДИНОВ

Муҳаммади Хўжабоевич Шамсиддинов 1950 йил Олтинсой ту-манининг Вахшивор қишлоғида туғилган.

1966 йил ўрта мактабни тугатиб, 1968 йили Термиз Давлат му-сиқа билим юртининг ўзбек халқ чолғу-асбоблари бўлимини ру-боб синфига ўқишга киради. 1971 йилда билим юртини тамомлаб иш фаолиятини Денов мусиқа мактабида ўқитувчи сифатида бош-лайди. 1987 йилдан бошлаб ҳозирга қадар шу мактабда илмий бўлим мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

У тайёрлаган ўқувчилар бир неча бор вилоят, республика кўрик танловларида иштирок этиб фахрли ўринларга сазовор бўлган.

Унинг педагогик фаолияти юксак баҳоланиб, 1983 йили «Ўзбе-кистон халқ маорифи аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирлан-ди.

Ҳам педагогик фаолият, ҳам ижод билан ҳам шуғулланаётган устоз Муҳаммади Шамсидди-новнинг бир неча куй ва қўшиқлари вилоят, республика эшиттиришларида хонанда ва созандала-римиз томонидан ижро этилиб келинмоқда. «Қувонч», «Кўнгил висоли», «Нозли гул», «Вахшиво-шингаласи» куйлари, «Ватан» Аскар Сулаймон шеъри, «Ҳур халқлар шарафисан диёр» Хурра Раимов шеъри, «Ўзбекистоним менинг» Олимжон Бўри шеъри, «Юртим қувноқ ёшлари» М.Шам-сиддинов шеъри, «Ўзбекистон Ватан» Хуршид Даврон шеъри асосида яратилган қўшиқлари шу-лар жумласидандир.

## ВАТАН

Ватан боис ўзлигим қалбимиздадир,
Мартабали ўзбегим қалбимиздадир.
Довруғи дунёга кетган элатим,
Мангуга шон-шараф қучган миллатим.

Ватан ҳаёт берган отам, ҳам онам,
Ватан юрагимда якка ягонам.
Аждодим мероси – Ўзбекистоним,
Авлодим қуёши – Ўзбекистоним.

Муқаддасдир, табаррукдир тупроғинг,
Кўзларимга тўтиё ҳар япроғинг.
Ватанимга бахш этурман хизматим,
Хизматимга эрур қадр-қимматим.

# ВАТАН

М.Шамсиддинов мусиқаси

А.Сулаймонов шеъри



*Абдумажид*

*МУҲАММАДИЕВ*



Абдумажид Қурбонович Муҳаммадиев 1947 йилнинг 29 май куни Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида таваллуд топган.

1962–1966 йиллари Термиз Давлат мусиқа билим юртини бити риб, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида меҳнат фаолиятини бошлади.

1982 йилдан 2004 йилгача Термиз шаҳридаги 8 умумий ўрта таъ лим мактабида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлади.

1985–1989 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтинин мусиқа факультетида таҳсил олади.

Республика миқёсида ўтказилган «Зеҳн», «Чашма» телевизио конкурсларининг фаол иштирокчиси.

2004 йилдан ҳозирга қадар Термиз Давлат университетининг «Мусиқа таълими» кафедрасид ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

А.Муҳаммадиев педагогик фаолият билан биргаликда шоирларимиз шеърларига куй баста лаб қўшиқлар яратмоқда. «Сурхондарё» Т.Сайдалиев шеъри, «Ватан рози, ота рози» З.Раҳимо шеъри, «Қўғирчоғим ўйнасин» Р.Толиб шеъри, «Постингда сен тур, ҳушёр» Я.Қурбон шеъри, «Ўзбе кистон» З.Аҳмедова шеъри, «Мен Сурхондан сўйлайман» А.Тўйчиев шеъри, «Ўзбекистон – Вата ним маним» Ж.Жабборов шеърлари асосида яратган қўшиқлари севилиб куйланмоқда. Унин «Сурхондарёда мусиқа санъат тараққиёти» номли рисоласи нашрга тайёрланмоқда.

### ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ

Юрт мадҳини куйлайин десам,
Жўр бўлади аҳли жаҳоним.
Муқаддассан ичаман қасам,
Ўзбекистон менинг Ватаним.

Юртбошимиз ўйлайди сени,
Булбулларинг куйлайди сени.
Бутун дунё тинглайди сени,
Ўзбекистон менинг Ватаним.

Келажаги буюк давлатсан,
Ҳам кўҳнаю ҳам навқиронсан.
Юксалавер мангу абадсан,
Ўзбекистон менинг Ватаним.

Куйлаш учун келдим атайин,
Зар тупроғинг доим ўпайин.
Соғлом авлод ўсар кун сайин,
Ўзбекистон менинг Ватаним.

# ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ВАТАНИМ

А.Мухаммадиев
шеъри ва мусиқаси

**Марш темпида**




ме-нинг Ва - та- ним, Ўз - бе - кис-тон ме-нинг, ме- нинг Ва - та- ним.
Куй-лаш у - чун кел- дим, кел-дим а - та- йин, зар туп - ро-гинг до- им,
до- им ў-па- йин. Сог-лам ав-лод ў-сар, ў-сар кун са- йин, Ўз-бе-кис-тон ме- нинг,
ме нинг Ва та ним, Ўз - бе - кис тон ме нинг
1.
2.
ме - нинг Ва та - ним. ме - нинг Ва - та - ним.

# *Музаффар* НАИМОВ



Музаффар Ўринович Наимов 1962 йилнинг 24 февралида Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида таваллуд топган.

У 1977 йилда ўрта мактабни ҳамда мусиқа мактабини тамомлаб, Термиз Давлат мусиқа билим юртининг «Хор дирижёрлиги» бўлимига ўқишга киради. У 1981 йилда Термиз мусиқа билим юртини, 1986 йилда М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясининг «Хор дирижёрлиги» бўлимини тамомлайди.

У тайёрлаган хор жамоалар бир неча бор вилоят, республика кўрик танловларида қатнашиб, юқори ўринларга сазовор бўлган. М.Наимов 1986–1996 йиллар давомида Деновдаги ўрта мактаб, мусиқа мактабларида ўқитувчи, 1996–98 йилларда Санъат мактабида директор, 2000–2007 йиллар Денов педагогика коллежида ўқитувчи, директор ўринбосари бўлиб ишлайди.

У ижодкор ўқитувчи сифатида Сурхондарё халқ қўшиқларини тўплаб, нота ёзувига туширади. 1997 йилда «Сурхон қўшиқлари» китобининг 1 қисми, 2000 йилда ушбу китобнинг 2 қисмини нашрдан чиқаради. Шу йилнинг ўзида «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Унинг 2003 йилда «Ўзбек мусиқа адабиёти» ҳамда «Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти» фанларидан тузилган тест саволларидан иборат услубий қўлланмаси, «Азиз устозлар ҳақидаги қўшиқлар» тўплами ва ўз қўшиқларидан иборат «Қалб наволари» деб номланган қўшиқлар тўплами нашрдан чиққан. 2006 йилда «Қадим Сурхон наволари», Г. Саидмаликов билан ҳамкорликда «Кўнгил бир наво истар» китоблари, 2008 йилда «Ўзбек мусиқа тарихи», «Мусиқа назарияси» фанларидан иборат тест саволлари асосида услубий кўрсатмаси, «Метар наволари» услубий қўлланмаси, «Мусиқа назарияси» фанидан «Интерваллар» мавзусини ўқитиш бўйича услубий қўлланмаси нашр этилган.

Музаффар Наимов айни кунларда «Ўзбек маросим қўшиқлари» мавзусида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Унинг «Тафаккур», «Санъат», «Гулистон», «Ёшлик», «Театр» журналларида қатор илмий мақолалари эълон қилинган.

У 2007 йилдан буён Термиз Давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда.

## ЎЗБЕГИМ

Армон билан ўтган боболар ҳақи,
Ёридан тул қолган момолар ҳақи,
Ота меҳрига зор фарзандлар ҳақи,
Эркни қўмсаб ўтган авлодлар ҳақи
Истиқлолинг асра, асра, Ўзбегим!

Бугун мустақилсан, озод, ҳур элим.
Қалби куёш, меҳри дарё, дур элим,
Жаннатмакон юртда даврон сур, элим.
Истиқбол излаган инсонлар ҳақи.
Истиқлолинг асра, асра, Ўзбегим!

Бугун ўз элингда иймонинг бутдир.
Бугун ўз тилингда сўзлар ёқутдир,
Бугун ўз уйингда ғамлар унутдир,
Келажаги буюк авлодлар ҳақи.
Истиқлолинг асра, асра, Ўзбегим!

# ЎЗБЕГИМ

**Ўртача темпда**

Наргиза Бегимкулова шеъри
Музаффар Наимов мусиқаси




ас-ра Ўз-бе-гим.
Бу-гун мус-та-кил-сан
о-зод хур э-лим
кал-би ку - ёш мех-ри,
да - рё-дур э-лим.
Жан-нат ма-кон юрт-да,
дав-рон сур э-лим,
ис-тик-бол из-ла- ган
ин-сон-лар ха-ки
ис-тик-ло-линг ас-ра,
ас-ра Ўз-бе-гим.
Бу-гун ўз э-линг-да


ий-мо-нинг бут-дир
Бу-гун ўз ти-линг-да,
сўз-лар ё-кут-дир
Бу-гун ўз у-йинг-да
ғам-лар у-нит-дир,
ке-ла - жа-ги бу-юк
ав-лод-лар ҳа-ки
ис-тиқ-ло-линг ас - ра,
ас-ра Ўз - бе-гим,
ис-тиқ-ло-линг ас - ра,
ас-ра Ўз-бе-гим!

## *Умедилло ТУРОБОВ*



Умедилло Холбоевич Туробовнинг «Тоғли қизга» И.Шомиров шеъри, «Олтин булоқ», «Бахшиёна» У.Азимов шеъри, «Дардингдан», «Булар» Камина шеъри, «Наврўз» Т.Шукуров шеъри, «Термиз тароналари», «Истиқлол» А.Худойназаров шеъри, «Бойсун тоғлари», «Санам», «Сурхондарёмсан», «Бойсун баҳори» У.Туробов шеърлари каби қўшиқлари халқимиз томонидан олқишларга сазовор бўлган.

Умедилло Холбоевич Туробов 1957 йилнинг 10 октябр куни Бойсун туманида таваллуд топган. У 1976–1981 йилларда Термиз Давлат мусиқа билим юртида, 1985–1990 йилларда Тошкент Давлат Маданият институтининг «Оммавий байрамлар режиссёри» бўлимида таҳсил олган.

У ўз меҳнат фаолияти даврида билимли мутахассис, ташаббускор раҳбар ва меҳрибон устоз эканини кўрсатди.

Умедилло Туробов марказий маданият уйига ишга келган кунидаёқ ўзининг юксак талантини, ноёб овоз соҳиби эканлигини намоён қилди. Марказий маданият уйи қошидаги «Шалола» ашула ва рақс ансамбли дастурларини бойитиш ва ансамблни Республика телевидениесига ҳамда Халқ ансамбли даражасига олиб чиқишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У Бойсун фольклор этнографик ансамбли мусиқа раҳбари ва хонандаси сифатида ижод қилиб, бу ансамбл дастурларини бойитишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Умедилло Туробов Бойсун халқ фольклор-этнографик ансамбли билан биргаликда, қатор фестивал ва кўрик танловларида иштирок этган. Жумладан, 1980 йилди Москвада ўтказилган халқаро фестивал, Ўзбекистон маданияти кунлари, Ҳужум ҳаракатининг 60- йиллиги, «Ўзбекистон Ватаним маним» кўрик танлови, «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали, Республика мақом ижрочилиги кўрик танлови, «Биз Сурхондан-миз» телефестивали ҳамда Республика марказида ўтказилган “Мустақиллик” ва “Наврўз” умумхалқ байрами тантаналари, Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тадбирларида фаол иштирок этган ва муносиб тақдирланган.

Умедилло Туробов Бойсун ансамбли иштирокчилари билан биргаликда «Бойсунда қор эриганда», «Унутилган қўшиқ», «Арча, тандир, олов», «Шарқ бозори», «Бойсуннинг бир куни» каби фильм концертларда ўз қўшиқлари билан суратга тушган. Умед Туробов Республика ва вилоят марказида ўтказилган «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танлови ғолиби.

У 1991 йилда Буюк Британияда ўтказилган фольклор фестивали иштирокчиси ҳисобланади. Туркия, Афғонистон, Франция мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзининг санъати билан хорижий мамлакат халқларида яхши таассуротлар қолдирди. У 2002, 2003, 2004, 2005 йилларда бўлиб ўтган «Бойсун баҳори» халқаро очиқ турдаги фольклор фестивали қатнашчиси, фестивал мадҳияси муаллифи ва ижрочиси ҳисобланади.

Умед Туробов ушбу хизматлари эвазига халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг гранти билан мукофотланган.

### БОЙСУН БАҲОРИ

Диллар дилга боғланар,
Ажаб гўзал ошёни.
Қирлар гулга беланган,
Ажаб гўзал ошёни.

Ҳамма дилларда муҳаббат,
Ҳамма уйда шодиёна.
Тиниқ осмонлар макони,
Озод инсонлар диёри.

Оламни меҳмонга чорлар,
Бойсун баҳори, Бойсун баҳори.

Муқаддас Ватан меҳри,
Хабар берсин иймондин.
Эзгулик нурин сочар,
Юртим Ўзбекистонда.

Бу тенги йўқ масканда,
Боғланар дўстлик тори.
Оламни меҳмонга чорлар,
Бойсун баҳори, Бойсун баҳори.

# БОЙСУН БАҲОРИ

У.Туробов шеъри ва мусиқаси

**Вальс темпила**




о-лам-ни мех-мон-га чор-лар Бой-сун ба-хо - ри
Бой-сун ба-хо - ри, Бой-сун ба-хо - ри
о-лам-ни мех-мон-га чор-лар Бой-сун ба-хо - ри.
Му-кад-дас Ва-тан мех-ри ха-бар бер-син ий - мон-дин
Эз-гу-лик ну-рин со-чар юр-тим Ўз - бе-кис - тон-да О...
Юр-тим Ўз - бе-кис - тон-да.
Бу тен-ги йўқ мас - кан-да бог-ла-нар дўст-лик то-ри о-лам-ни
мех-мон - га чор- лар Бой-сун ба-хо - ри Бой-сун
ба-хо - ри, Бой сун ба-хо - ри о-лам ни
мехмон - га чор лар Бой сун ба - хо - ри.


о-лам-ни мех-мон - га чор-лар Бой-сун ба-хо - ри
Бой-сун ба-хо - ри, Бой-сун ба-хо - ри
о-лам-ни мех-мон - га чор-лар Бой-сун ба-хо - ри.
Му-кад-дас Ва- тан мех-ри ха-бар бер-син ий - мон-дин
Эз-гу-лик ну- рин со-чар юр-тим Ўз бе- кис - тон-да О...
Юр-тим Ўз - бе- кис - тон- да.
Бу тен-ги йўк мас - кан-да боғ-ла-нар дўст- лик то-ри о-лам-ни
мех-мон - га чор- лар Бой-сун ба- хо ри Бой-сун
ба- хо- - ри, Бой сун ба- хо - ри о-лам ни
мехмон - га чор лар Бой сун ба - хо - ри.



## *Саттор ҚУРБОНОВ*

Саттор Хурсандович Қурбонов 1959 йилда Бойсун тума
туғилган. 1975 йилда «Шалола» жамоаси сафида Польша
Республикасида ўтказилган «Жаҳон тоғли ўлкалар фольклор
стивали» да иштирок этган.

1976–1981 йилларда Тошкент Давлат маданият институти
маданий-оқартув ишлари факультети «Хор дирижёрлиги» бўл
да таҳсил олган.

1981–1986 йилларда Бойсун туман маданият уйида бадиий
бар, «Шалола» ашула ва рақс халқ жамоаси бадиий раҳбари, «
лай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоаси
ий раҳбари, маданият уйи директори вазифасида ишлаган. 1987 й
«Бойсун» фольклор-этнографик халқ жамоаси сафида Афғонист
1990 йилда Англияда, 1993 йилда Туркияда ўтказилган фольк
фестивали ва гастрол концертларда иштирок этган.

У «Қуралай» болалар фольклор-этнографик намунали халқ жамоасининг ташкилотчис
фатида бир неча халқ қўшиқларини тўплаб, саҳналаштирган.

1993 йилда халқ қўшиқ ва рақсларидан иборат «Мучал тўйи» дастури Республика телевиден
орқали намойиш этилган. 2000 йилдан Термиз Давлат университети катта ўқитувчи вазифа
ишламоқда.

2004 йил Термиз Давлат университетида «Жайхун» фольклор-этнографик жамоасини та
этган. «Қувноқ карвонсарой», «Ҳуш келибсан, Наврўзгинам», «Ватан ҳур–аср янги», «Ўт
нинг нурли эртаги», «Оқработнинг ойдин оқшоми», «Ватан тароналари», «Кўҳна Сурхон са
ри» каби фольклор мусиқали композицияларининг муаллифи.

«Фольклор мусиқа ўқитиш методикаси» ва «Хор ўқитиш услубияти» номли услубий қўлла
ларни нашрга тайёрлаган.

«Сурхондарё болалар фольклорининг замонавий талқини» номли мавзуда илмий иш олиб
моқда.

### НАВРЎЗГИНАМ

Она замин онагинам,
Дон сочдилар бобогинам.
Майсалари нинагинам,
Зироати туҳфагинам.

Нақорат:
Малоҳатли гуллар сочиб,
Ҳуш келибсиз, Наврўзгинам.
Барокатли дурлар сочиб,
Ҳуш келибсиз, Наврўзгинам.

Чамбар таққан ҳур қизгинам,
Шаҳло кўзли қундузгинам.
Сизга ҳалол нон-тузгинам,
Тенгдир кеча-кундузгинам.

Нақорат:
Малоҳатли гуллар сочиб,
Ҳуш келибсиз, Наврўзгинам.
Барокатли дурлар сочиб,
Ҳуш келибсиз, Наврўзгинам.

# НАВРЎЗГИНАМ

Б.Содиков шеъри

С.Курбонов мусикаси



# СУРХОНИМСАН

Т.Усмонов шеъри

С.Курбонов мусикаси

**Ўртача**




## СУРХОНИМСАН

Бахмал қирлар, кенг яйловлар, чексиз бепоён,
Ғаллакорим, пахтакорим, бойликларга кон.
Ширин-шарбат, мева-узум, сенда бўлағон,
Ўзбек элим гул диёри Сурхон онажон.

Нақорат:
Мафтун бўлиб, куйлар васфинг
Булбул ғазалхон.
Сурхонимсан, бой ўлкамсан, қўшиқ-таронам,
Мустақиллик хўп ярашган олтин кошонам.

Ўзбекистон, гўзал бўстон, боқий баҳорим,
Ҳавас бирлан боқар жаҳон чўлгун диёрим
Меҳрим, ишқим, ҳам йўлларим, кон гулу н
Ардоқлагум бир умрга жон Ўзбекистон.

Нақорат:
Мафтун бўлиб, куйлар васфинг,
Булбул ғазалхон.
Сурхонимсан, бой ўлкамсан, қўшиқ-тарона
Мустақиллик хўп ярашган олтин кошонам

## *Норқўчқор ТЎРАНАЗАРОВ*



Норқўчқор Норпўлатович Тўраназаров 1954 йилнинг 15 сентябрида Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида таваллуд топган.

1969–1972 йиллари Термиз Давлат мусиқа билим юртида «рубоб» мутахассислиги бўйича таҳсил олгандан сўнг Бойсун туманига йўлланма асосида юборилади. У тумандаги мусиқа мактабида ўқитувчилик билан биргаликда «Шалола» ашула ва рақс ансамблида ҳам ишлайди.

1979–1984 йиллари Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика университетининг мусиқа факультетини тугатган.

1997 йилдан Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида созанда, 1978–1982 йиллари Музрабод туманидаги мусиқа мактаби ўқитувчиси, кейинчалик шу мактаб директори бўлиб ишлаган.

1982–1986 йиллари Термиз Давлат мусиқа билим юртида ўқитувчи, 1986–1996 йиллари Термиз Давлат университетида мусиқий фанлардан сабоқ берган.

1997–2004 йилларда Вилоят ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида «Нафосат» хонаси мудири, 2002 йилдан ушбу институтнинг «Тиллар ва нафис санъат» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлади.

2005 йилдан Термиз Давлат университетининг Мусиқа таълими кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. «Вокал тўгарагини ташкил этиш ва олиб боришнинг йўллари», «Ўқувчиларни вокал-хор малакаларини ривожлантириш» номли услубий қўлланмалари нашрга тайёрланди, бир неча илмий мақола ёзган.

Н.Тўраназаров педагогик фаолият билан бастакорлик соҳасида ҳам етарлича ижод қилиб қўшиқлар яратди: «Бахтиёрлар қўшиғи» У. Қурбон шеъри, «Қўзичоқ» Б. Содиқов шеъри, «Қўшиқ куйлар қизалоқ» Р. Толиб шеъри, «Дадажоним» Б. Содиқов шеъри, «Қушлар» С. Тожи шеъри, «Чилдирма чалай» Г. Комилов шеъри, «Севмасмидинг» А. Пўлат шеъри, «Армон қилур» В. Саъдулла шеърлари асосида яратилган қўшиқлари шулар жумласидандир.

# БАХТИЁРЛАР ҚЎШИҒИ

У.Курбон шеъри | Н.Тўраназаров мусиқ




**БАХТИЁРЛАР ҚЎШИҒИ**

Қучоқ очиб меҳринг сочиб,
Она Ватан яйранг дер.
Қувнаб кулиб, завққа тўлиб,
Булбул каби сайранг дер.

Нақорат:
Юртим бўл омон,
Халқим бўл омон.

Кўп миллатли ҳамдаммиз,
Қўллар қўлда, кўзлар йўлда.
Шон кучамиз ҳардам биз,
Зеҳнимиздан, меҳримиздан.

Нақорат:
Юртим бўл омон,
Халқим бўл омон.

# ҚЎШИҚ КУЙЛАР ҚИЗАЛОҚ

Р.Толиб шеъри

Н.Тўраназаров мусиқаси




## ҚЎШИҚ КУЙЛАР ҚИЗАЛОҚ

Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Тинглар боғлар, далалар.
Овози шўх, қўнғироқ,
Қўшиқ нурдай таралар.

Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Жаранглайди осмонлар.
Боғлар аро чаманда,
Тебранар гул райҳонлар.

Бирдан тўхтаб эсишдан,
Еллар қулоқ солади.
Бийрон-бийрон булбуллар,
Аста жимиб қолади.

Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Жаранглайди осмонлар.
Қўшиқ куйлар қизалоқ,
Чапак чалар япроқлар.



## Ботир ЖИЛКИБАЕВ

Ботир Жилкибаев 1955 йилнинг 1 ноябрида Тожикистонд (собиқ Москва туманида) таваллуд топди. Унинг мусиқага бўлга қизиқиши жуда эрта уйғонди.

1962 йили 7 ёшида Душанбе шаҳридаги махсус мактаб интернатида А.Цветаевдан фортепиано синфи бўйича илк сабоқларн олади.

1973–1975 йиллари Душанбе мусиқа билим юртини мусиқ назарияси бўлимида ўқийди.

1975–1980 йиллари Тожикистон Давлат Санъат институтинин «Мусиқашунослик» бўлимини тугатади.

1980 йилдан ҳозирга қадар Сурхондарё вилояти Узун туманидаги Болалар мусиқа мактабида фортепиано ва мусиқа назарияс фанларидан болаларга сабоқ бериб келмоқда. У тайёрлаган ўқувчилар туман, вилоят кўрик танловларида юқори ўринларга сазовор бўлиб келмоқда.

Б. Жилкибаев кўплаб куй ва қўшиқлар муаллифидир. Шулардан «Агар сен бўлмасанг жонон К. Саидов шеъри, «Ўзбекистон» Э. Қамбар шеъри, «Ҳеч йиғламанг, азиз онажон» У. Муродқосимо шеъри, «Юрт меҳри» Р. Карим шеъри, «Ёшлик», «Онажоним», «Шўх болам» М. Мирсаидова шеъри, «Етим болани кўриб» З. Бўриева шеърига ёзган қўшиқлари хонандаларимиз томонидан севилиб ижро этилмоқда.

Унинг 2004 йилда «Сурхон навоси» номли фортепиано учун куйлар тўплами нашр этилган

# СЎЗСИЗ ҚЎШИҚ

Б.Жилкибаев мусиқаси

**Andantino**




mp
p
mp
p
mf
p
mp
rit.
p

# ЯХШИ КАЙФИЯТ

Б.Жилкибаев мусиқаси



## Гулнора ЖУМАЕВА



Гулнора Иргашевна Жумаева 1963 йил 6 ноябрда Термиз туманида таваллуд топди. 1972–1977 йиллари Термиз шаҳридаги 1 сон болалар мусиқа мактабининг чанг синфи бўйича илк таҳсил олди.

1977 йил Термиз Давлат мусиқа билим юртига ўқишга кириб, 1981 йил халқ чолғу асбоблари бўлимининг чанг асбоби мутахассислиги бўйича тамомлади. Иш фаолиятини 1981 йил Термиз шаҳридаги болалар Санъат мактабида бошлади.

2003–2006 йиллари Термиз Давлат университети касбий таълим факультетининг махсус сиртқи бўлимининг мусиқий таълим йўналишида ўқиди ва бакалавр маълумотига эга бўлди. Бир неча йиллар мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа раҳбари, мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлаб келди.

2003 йилдан ҳозирга қадар Термиз санъат коллежида махсус фанлар бўйича ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқда. Г. Жумаева Сурхондарё вилоят телевидениеси ходимлари билан биргаликда бир неча мусиқий кўрсатувлар тайёрлади.

Жумладан, 1995 йил «Болалигим баҳорим» кўрсатувида мактабгача таълим муассасаси тарбиялaнувчилари ҳақида, 1997 йил иқтидорли ўқувчилар, 1999 йил Термиз шаҳар мусиқа мактаби ўқувчилари билан биргаликда бир неча кўрсатувлар тайёрлади.

Унинг тиниб-тинчимас ижодкорлиги бастакорлик соҳасида ҳам кўзга ташланади. «Бинафша» А. Раҳмат шеъри, «Ўзбекистон – жонажон Ватан» И. Азизова шеъри, «Ўзбекистон» Н. Маматқулов шеъри, «Хуш келдинг Наврўз» Абулбарий шеъри, «Хайр боғчажон», «Ҳур ўлкам» Ҳ. Раҳмат шеъри каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

### ЎЗБЕКИСТОН

Шодлик билан боққа кирсак,
Боғда наво жаранглайди.
Қучоқ-қучоқ гуллар терсак,
Ором олиб, дил яйрайди.

Нақорат:
Қай юрт бўлган, гулга макон,
Гуллар юрти Ўзбекистон.
Яшна кўркам, ёруғ жаҳон,
Она юртим Ўзбекистон.

Боқиб асло тўёлмаймиз,
Лол қолдирар юрт жамоли.
Бир кун албат бўлажакмиз,
Ўзбек элин, бахт иқболи.
Тугамасин тинчлик замон,
Бахти кулсин Ўзбекистон.

Нақорат:
Қай юрт бўлган гулга макон,
Гуллар юрти Ўзбекистон.
Яшна кўркам ёруғ жаҳон,
Она юртим Ўзбекистон.

# ҲУР ЎЛКАМ

Ҳабиб Раҳмат шеъри

Г.Жумаева мусиқаси

Ўртача




## ҲУР ЎЛКАМ

Ҳур ўлкам менинг
Гул ўлкам менинг.
Дунёда ўлкам
Энг кўркам менинг.

Кундан-кун яшнар
Тинчлик деб яшар.
Элларнинг унга
Ҳурмати ошар.

Бу ҳисоб кони
Туганмас дони.
Тоғлардан баланд
Олтин хирмони.

Мақтайман такрор
Бепоён диёр.
Шу ҳур ўлкада
Ҳамма бахтиёр.

Ҳур ўлкам менинг
Гул ўлкам менинг.
Дунёда ўлкам
Энг кўркам менинг.

# ҲУР ЎЛКАМ

Ҳабиб Раҳмат шеъри

Г.Жумаева мусикаси




## ҲУР ЎЛКАМ

Ҳур ўлкам менинг  
Гул ўлкам менинг.  
Дунёда ўлкам  
Энг кўркам менинг.

Кундан-кун яшнар  
Тинчлик деб яшар.  
Элларнинг унга  
Ҳурмати ошар.

Бу ҳисоб кони  
Туганмас дони.  
Тоғлардан баланд  
Олтин хирмони.

Мақтайман такрор  
Бепоён диёр.  
Шу ҳур ўлкада  
Ҳамма бахтиёр.

Ҳур ўлкам менинг  
Гул ўлкам менинг.  
Дунёда ўлкам  
Энг кўркам менинг.

МУНДАРИЖА

ОНА ДИЁР ОҲАНГЛАРИ ........ 3
Абдулазиз Имомов ........ 4
"Ярим гелсин" ........ 4
Сангали Алиевич ПИРОВ ........ 7
Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ ........ 9
"Ўзбекистон" ........ 9
Амрулло Норович НАРЗУЛЛАЕВ ........ 11
"Ватан" ........ 11
Хайрулло НАСРИДДИНОВ ........ 14
"Термизим" ........ 17
Ҳалим ШАМСУТДИНОВ ........ 18
"Қадим Турон" ........ 18
Йўлдош Ҳайдарович ҲАЙДАРОВ ........ 20
"Сумалак" ........ 21
"Тандирда нон ёпамиз" ........ 22
Абдурайим ТУРСУНОВ ........ 23
"Баҳор келди" ........ 23
Муҳаммади Хўжабоевич ШАМСИДДИНОВ ........ 26
"Ватан" ........ 26
Абдумажид Қурбонович МУҲАММАДИЕВ ........ 28
"Ўзбекистон менинг Ватаним" ........ 30
Музаффар Ўринович НАИМОВ ........ 31
"Ўзбегим" ........ 31
Умедилло Холбоевич ТУРОБОВ ........ 35
"Бойсун баҳори" ........ 35
Саттор Хурсандович ҚУРБОНОВ ........ 38
"Наврўзгинам" ........ 38
"Сурхонимсан" ........ 40
Норқўчқор Норпўлатович ТЎРАНАЗАРОВ ........ 41
"Бахтиёрлар қўшиғи" ........ 42
"Қўшиқ куйлар қизалоқ" ........ 43
Ботир ЖИЛКИБАЕВ ........ 44
Гулнора Иргашевна ЖУМАЕВА ........ 48
"Ўзбекистон" ........ 48
"Ҳур ўлкам" ........ 50

*Адабий-бадиий нашр*

МУЗАФФАР НАИМОВ

**СУРХОНДАРЁ ИЖОДКОРЛАРИ**
*1 қисм*

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Феруза ҚОСИМОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Босишга 17.06.2010 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1\8.
Босма тобоғи 6,5. Шартли босма тобоғи 6,04.
Гарнитура «LexTimes Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.
Адади 200 нусха. Буюртма № 37.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.
«El-Press» МСНJда босилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***
Нашр бўлими – 278-36-89;
Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru



Музаффар Наимов 1962 йилда Сурхондарё вилоятининг Денов шаҳрида туғилган. М.Ашрафий номли Тошкент давлат консерваториясини тугатган. 2000 йилда "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланган. Унинг "СУРХОН ҚЎШИҚЛАРИ" I-II, "ҚАЛБ НАВОЛАРИ", "АЗИЗ УСТОЗЛАР ҳақидаги қўшиқлар тўплами", "МЕТАР НАВОЛАРИ", "ҚАДИМ СУРХОН НАВОЛАРИ", Г.Саидмаликов билан ҳамкорликда "КЎНГИЛ БИР НАВО ИСТАР" китоблари, бир неча услубий қўлланмалари ва илмий мақолалари нашр этилган. Ҳозирда " ЎЗБЕК МАРОСИМ ҚЎШИҚЛАРИ" мавзусида илмий иш олиб бормокда ҳамда Термиз давлат университетида ўқитувчи бўлиб ишламокда.

ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN-978-9943-08-597-8